

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ПЕРСОНАЛ БОШҚАРИШ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

**А.Ахмеджанов Ўзбекистон Республикаси Президенти Ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси тингловчиси**

Ушбу мақолада ОТМларида персонални бошқариш самарадорлигини оширишнинг асосий жиҳатлари ва йўналишлари такомиллаштириш борасида фикрлар мулоҳаза қилинган

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг замонавий соҳа ва тармоқларини, хусусан, олий таълим тизимини модернизациялаш жараёнида тизимда персонал меҳнатидан самарали фойдаланиш йўналишларини аниқлаш келажакда ўқув жараёни самарадорлигини оширишнинг асосий шарт-шароити бўлиб ҳисобланади.

Бугунги кунда персонал меҳнатидан самарали фойдаланиш жамият тараққиётининг ҳар бир босқичида такомиллашиб бормоқда. Бозор иқтисодиётининг ривожланиши инсоннинг ташаббускор ва фаол бўлишини назарда тутди. Унинг қандай яшаши, ўзининг янги иқтисодий тизимга сингиб, у билан ҳамоҳанг бўлиб кетиши маҳоратига боғлиқ бўлади. Инсоннинг жисмоний имкониятлари ва маълумотлилик даражаси, маънавияти қанчалик юқори бўлса, бу нарса шунчалик муваффақиятлироқ кечади.

Бизнинг фикримизча, ОТМларида персонални бошқариш самарадорлигини оширишнинг асосий жиҳатлари ва йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлиши зарур:

- мутахассисликлар ва касблар бўйича педагогик кадрлар билан таъмин этилганлигини ўрганиш ва унга баҳо бериш;
- ўқув жараёни самарадорлигини тўғри ҳисобланганини, унинг ўқув нормаларида тўғри акс этганини аниқлаш;
- ОТМ фаолиятида ўқув жараёнини ташкил этиш ҳолатига ва унинг даражасига баҳо бериш;
- ОТМда персонал меҳнатини рағбатлантириш ва ўқув жараёни билан боғлиқ психологик вазиятга баҳо бериш;
- кадрлар қўнимсизлиги кўрсаткичларини аниқлаш ва ўрганиш;
- соҳада мутахассисликлар бўйича педагогик кадрлар захираларини аниқлаш, улардан янада тўлароқ ва самаралироқ фойдаланиш чораларини ишлаб чиқиш.

Персонални бошқариш хизмати фаолиятининг сифатини аниқлаш учун биринчи навбатда баҳолаш мезонларини аниқлаб олиш лозим. Энг аввало ушбу ташкилий таркиблар вазифаларининг комплекс тартибда эканлигини эътиборга олиш лозим. В.Н.Бас таъкидлашича, персонални бошқаришнинг

сифат таркиби кўйидаги элементлардан иборатдир¹:

1. Кўйидаги персонални бошқариш тизимининг сифат таркибига кўйидагилар киради:

- ташкилий-институционал таркиб;
 - ташкилий тузилма;
 - технологий-процессуал таркиб;
2. Меҳнат жараёнларининг сифати:
- ишчи кучи;
 - меҳнат предметлари ва воситалари;
 - ишлаб чиқариш ахбороти;
 - шаклланиш;
 - меҳнат жараёни натижаси;
3. Ташкилот фаолияти натижалари:
- бизнеснинг объектив натижалари;
 - истеъмолчиларни қабул қилиш;
 - акционерларни қабул қилиш;
 - персонални қабул қилиш;
 - жамият қабул қилиши.

Муаллиф томонидан ушбу мезонлар ажратиб кўрсатилади ва алоҳида фаолият соҳаларига нисбатан ҳар бирига мос кўрсаткични келтиради. Таълим муассасалари фаолияти бўйича ушбу мезонларнинг барчасини қўллаб бўлмайди. Шу билан бирга ташкилотнинг ташкилий таркиби, бошқарув жараёнлари, персонал билан ўзаро алоқалар, меҳнат шароитларининг аҳамияти тўлиқ акс эттирилган. Талабнинг шаклланиши, ишлаб чиқариш жараёни ва пировард натижа – сифат нуқтаи-назаридан талабни қондириш ўртасидаги ўзаро алоқанинг кетма-кетлигини акс эттиради. Шу асосда таълим жараёни элементлари ўзаро таъсири шароитида персонални бошқариш сифати таркибини кўриб чиқамиз.

Муҳим аҳамиятга эга бўлган баҳолаш мезонларидан бири – бу ОТМ таълим сифати кўрсаткичидир. Бир қараганда ушбу вазифа асосан таълим муассасаси бошқарув тизимининг вазифаси ҳисобланади. Аммо чуқурроқ таҳлил қиладиган бўлсак, персоналнинг ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг ўзаро уйғунликда фаолият олиб бориши орқали бутун ОТМ фаолиятини самарали ташкил этишга хизмат қилади. Бошқача айтганда, таълим жараёнининг асоси бўлиб, ўқитувчилар ва талабалар ўртасидаги ўзаро муносабат ҳисобланади. Ушбу муносабатлар самарали ривожланиши натижасида, хусусан – ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик, талабанинг билим даражасининг ошишига хизмат қилади. Албатта, таълим муассасасида бошқа ходимларнинг ҳам ўрни муҳимдир.

ОТМда таълим сифати ҳақида ўқув дастурлари, ҳукуқий-меъёрий талабларга риоя этиш, жараёнларнинг ҳужжатлаштирилиши, талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари, илмий тадқиқот фаолияти ва натижалари,

¹ Бас В.Н. Управление персоналом в организации, ориентированной на качество. Диссертация к.э.н. 08.00.05. М., 2003.

талабаларнинг таълим муассасаси ходимлари билан ўзаро муносабатларининг самарали ташкил этилганлигини эътиборга олиб хулоса чиқариш мумкин.

Кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш мезонларини белгилаш ва ҳар бир мезоннинг улушини аниқлаш имкониятини берувчи нуқтаи-назар мавжуд. Унга кўра олий таълимгача бўлган тайёргарликка 10 %, олий таълим ва олий таълимдан кейинги таълим дастурларининг сифатига 50% ва илмий кадрлар тайёрлаш сифатига 30% белгиланган. Ушбу концепцияга биноан айнан қайси бир мезонга асосий эътибор қаратилиши лозимлиги тўғрисида хулоса чиқариш мумкин.

ОТМда сифатни бошқариш тизимида персонални бошқариш жараёнларини таҳлил қилишда қабул қилинаётган қарорларнинг таълим муассасаси миссияси, стратегияси билан уйғунликда бўлишини таъкидлаб ўтишимиз лозим. ОТМнинг бошқарув аппарати стратегик вазифаларнинг белгилаш ҳуқуқига эга бўлганлиги сабабли белгиланган вазифаларга эришишдаги ҳар бир босқичда сифатга катта эътибор қаратилади. Аммо ОТМ ректори ҳам бошқа бошқарувчи персонал каби умумий персонал таркибига киритилади. Шу сабабли уларнинг фаолиятига ҳам баҳо берилади. Бундан ташқари персонални бошқарининг кўпгина жараёнлари уларга ҳам тааллуқли бўлади. Раҳбар шахс олдида турган функцияларни бажаришнинг асосий мураккаб томони – бу бошқарув жараёнларининг сифатини тахминлаш ҳисобланади. Умуман олганда ОТМ бошқарув аппарати ОТМ сифатини бошқариш тизими қоидаларини яратади ва мунтазам равишда такомиллаштириб боради. Айнан, ОТМ бошқарув аппарати персонални бошқаришда юқори сифатни таъминлаш йўлида қарорлар қабул қилади.

Персонал фаолиятининг самарадорлигига ходимлар учун яратилган меҳнат шароитлари хизмат қилади. Технологияларнинг ривожланишини эътиборга олиш, меҳнат шароитларида қулайликлар яратиш ва такомиллаштириш лозим. Бундай ҳолда таълим бериш жараёни самарали бўлади. Ноқулайликлар профессор-ўқитувчиларнинг эътиборини чалғитмайди. Ўз ўрнида талабалар ҳам қулай шароитлар: ёруғ ва кенг хоналар, хона харорати ва бошқалар мавжуд бўлганда берилаётган маълумотларни тўлиқ англаб оладилар. Бундан хулоса қилиш мумкинки, персонални бошқариш сифати мезонларини ҳаммасини ҳам ходимларга боғлаш мумкин, чунки бажаралиётган функцияларнинг бир қисми таълим жараёнининг сифатини таъминлашга қаратилгандир.

Персонални бошқариш сифатининг асоси бўлиб сифани бошқариш тизими ҳисобланади. Унинг асосида мақсад, вазифалар, турли ташкилий тузилмалар томонидан бажариладиган тадбирлар белгиланади. Бугунги кунда кадрлар бўлимининг ўрни ошиб бормоқда. Азалдан ушбу бўлим томонидан кадрларни саралаш, ҳужжатларни расмийлаштириш, мослаштириш, малакасини ошириш, ходимларни рағбатлантириш ва бошқа вазифаларни бажариб келмоқда. Умуман олганда ушбу бўлимнинг тузилиши ва вазифалари сақланиб қолди, шу билан бирга кенгайиб ва мураккаблашиб бормоқда.

ОТМда сифатни таъминлашга қаратилган сиёсатга кўра меҳнат жараёнининг ҳар бир босқичида интизомга риоя этиш ҳамда ходимларни сифат кўрсаткичларини ошириш зарурлиги ва шу кабилар тўғрисида хабардор қилиб туриш лозим. Хулоса қилиш мумкинки, ОТМ ўз мақсадига эришишида ходимлар ва профессор-ўқитувчилар муҳим ўрин тутади. Шу сабабли персонални бошқариш соҳасидаги ислохотлар аҳамияти ортиб бормоқда.